

**Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури (ПҚ-459) доирасида 2023 йилда "Наввий КМК" АЖ томонидан амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳаларида январь-сентябрь ойларида амалга оширилган ишлар бўйича
ЙИҒМА МАЪЛУМОТ**

млн.долл.

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати	Амалга ошириш муддати	2023 йил ўзлаштириш прогнози	2023 йил январь-сентябрь ўзлаштириш				Лойиҳа ҳолати
					прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
	Жами "НКМК" АЖ	2 571.15		473.51	294.37	374.98	80.61	127.4	
	шу жумладан:								
	чет эл банклари кредитлари	2 571.15		473.51	294.37	374.98	80.61	127.4	
	Янги қурилиш	1 716.90		286.53	200.67	249.80	49.13	124.5	
1	«Мурунгов» конини ўзлаштириш (V навбати) I-босқич	733.94	2016-2025йй.	42.00	23.50	35.12	11.62	149.4	Лойиҳа ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 ноябрдаги №907-сонли қарори билан тасдиқланган. Қурилиш ҳолати: «Мурунгов» кони шимолий-шарқий ЦПТ, ДПП-5, ДПП-6 объектлари ишчи хайъат далолатномаси билан фойдаланишга топширилди. "ВЛ 6 кВ электр тармоғини карьер бортига кўчириш" ишлари якунланди. ГПП-9 ва ГПП-5 станцияси қурилиши ишлари олиб борилмоқда. ППК-3 ни кўчириш лойиҳаси доирасида темир йўл қурилиши ишларининг I-босқичи якунланди ва ишчи хайъат далолатномаси расмийлаштирилди. ППК-3 ни кўчириш лойиҳаси доирасида (2 босқич) узунлиги 2,554 км бўлган темир йўл қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда ва СЦБ тизимининг монтаж ишлари бажарилмоқда. Юг-Порода қурилмасини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Шимолий-Шарқий даврий оким технологияси лойиҳаси доирасида 5 ва 6-сонли ДППнинг бутобой ускуналари ўрнатилмоқда.
	чет эл банклари кредитлари	733.94		42.00	23.50	35.12	11.62	149.4	
2	«Мурунгов» конини ўзлаштириш (V навбати) I-босқич лойиҳасига оид sanoat объектларини электр энергияси билан таъминлаш	113.75	2018-2024йй.	7.50	3.40	3.40		100.0	Лойиҳанинг ТИХси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 майдаги №331-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3465-сон қарори асосида бош пудратчи "Узэлектроаппарат-электрощит" АЖ билан шартнома тузилган. «Мурунгов» конининг V-навбати чегараларида тоғ-кон ишларининг жадаллик билан ривожланиши муносабати билан "ГПП-1" нимстанцияси ва ВЛ 110 кВ трассаларининг сўнгги жойлашувини аниқлаштириш (объектларни қуриш учун жой танлаш далолатномасини расмийлаштириш), ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш, муҳандислик-геологик ва топографик-геодезия тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Барча ишлар тасдиқланган тармоқ жадвали асосида олиб борилмоқда.
	чет эл банклари кредитлари	113.75		7.50	3.40	3.40		100.0	
3	"Зармитан" конининг қўйи горизонтларини ўзлаштириш (0.00м. гор.гача)	235.57	2017-2024йй.	25.00	16.00	16.00		100.0	Лойиҳанинг ТИА Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 14 февралда №127-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗҚБ. Чехия Республикаси «Mine Construction Alliance s.r.o.» корхонаси билан «Скиповой» шахта қурилиши ва «Бош» шахта стволини чуқурлаштириш ҳамда стволларни жиҳозлашга тендер асосида пудрат шартномалари имзоланган. Қурилиш ҳолати: 1. «Чармитан» конининг +420 м сатҳни очиш бўйича жорий даврда жами 1787 п.м. қия ва горизонтал кон капитал лаҳимлари қазиб ўтилди. 2. "Скипли" вертикал шахта ствол бўйича қурилиш бошланганидан 1000 п.м. ствол қазиб ўтилиб, мустаҳкамланди. Жорий даврда стволда +420м, +360м, +300м, +270м, +240м сатҳларда вертикал, қия ва горизонтал лаҳимлар лойиҳа бўйича тўлиқ ўтиб тугалланди, ҳамда 1720 м³ бетон билан мустаҳкамлаш ишлари бажарилди. "Скипли" ствол учун пудратчи томонидан стационар электр ускуналар олиб келинмоқда. 3. "Асосий" вертикал шахта стволини чуқурлаштириш: I ва II босқич вертикал шахта стволини чуқурлаштириш +525 м сатҳдан -10,0 м сатҳгача тушиш жами - 535 п.м. ўтилиб тугалланди. Жорий даврда стволда 0,00 м сатҳда 1100 п.м. ствол олди ҳовлилари (околоствольный двор) ҳамда горизонтал лаҳимлар ҳам ўтилди. Жорий йилнинг 9 ойида 5,5 млн.долларлик кон шахта ускуналари, электроускуналар ва бошқа асбоб-ускуналар харид қилинди. Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	235.57		25.00	16.00	16.00		100.0	

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати	Амалга ошириш муддати	2023 йил ўзлаштириш прогнози	2023 йил январь-сентябрь ўзлаштириш				Лойиҳа ҳолати
					прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
4	"Балпантоғ" ва "Томдибулоқ" конлари негизда қазиб олиш карьерини куриш	108.33	2021-2023йй.	40.18	21.74	31.30	9.56	144.0	Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги №531-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК. Курилиш ҳолати: Лойиҳа бўйича 34 км темир йўл курилиш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди. Балпантоғ карьерида конни очиб олиш ишлари олиб борилмоқда. Карьер қошидаги инфратузилма объектларида курилиш ишлари олиб борилмоқда. Контейнерлик типдаги автомобилларга ёқилги қуйиш станциясини монтаж қилиш учун ер ишлари бажарилди. КЕКШ (КАЗС) ускунаси ва операторлар хонаси ўрнатилди. Балпантоғ карьерини участкаси худудида ПКТПБ-1600/35/6 кВ типдаги 35/6 кВ мобил пакетли блокли трансформатор подстанциясини ўрнатиш ва 35 кВ ҳаво линиясини куриш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда ички муҳандислик коммуникациялари, ВЛ6 кВ Л-1, Л-2 ХЛ бўйича 120 та темир бетон опоралари ўрнатилди. ПКТПБ-1600/35/6 кВдан площадь водозаборигача 6 кВ ҳаво линиясининг монтаж ишлари давом этмоқда. "Балпантоғ" карьерини саноат худудидан "қир ювиш" ва "ошхона" биноларининг курилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа ҳужжатлари асосида "Балпантоғ" карьерини саноат майдонида ва руда юклаш пунктида (ПРБ) трансформатор подстанциялари ўрнатилмоқда. Насослар станциясидан "Балпантоғ" саноат майдонига қадар монтаж қилинган қувурлар учун ҳаёқ қазиб олиш ишлари олиб борилмоқда. Кон техникалари ва бошқа асбоб-ускуналар харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб, босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда.
	чет эл банклари кредитлари	108.33		40.18	21.74	31.30	9.56	144.0	
5	"Пистали" конида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини куриш (6-ГМЗ)	274.67	2021-2024йй.	99.82	80.69	95.80	15.11	118.7	Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги №569 - сонли қарори билан тасдиқланган. Ҳозирги кунда 6-ГМЗнинг 1-босқичи курилиш-монтаж ишлари якунланди. 116 донга тоғ-кон техникаси, технологик, лаборатория ва бошқа ускуналар олиб келинди. Ускуна ва жиҳозлар 100 фойз ўрнатилди ҳамда ишга туширилди. Ишчи ҳайъат далолатномалари расмийлаштирилди. 6-ГМЗнинг 2-босқичи бўйича 3-конвейер монтажи, иккинчи тегирмон блокадаги ММС 90х30 тегирмони ва МШЦ 55х75 тегирмонини йиғиш ишлари якунланган. Ишчи ҳайъат далолатномалари расмийлаштирилмоқда. Кон майдонидаги ошхона, гараж, кон ускуналарини таъмирлаш устахонаси (ЦРГО) ва ўт ўчириш депоси биноларида, ёқилги қуйиш шохобчаси (АЗС ва ГСМ) ва вахта шаҳарчасида, чиқинди омбори (хвостохранилище) 2-босқичидаги, сув олиш майдони ва ГПП-2 подстанцияси курилиш ишлари олиб борилмоқда. Кон техникалари босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Лойиҳа доирасида 6-ГМЗнинг 2-босқичидаги объектларни 2023 йилнинг декабрь ойида ишга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Муаммолар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	274.67		99.82	80.69	95.80	15.11	118.7	
6	"Пистали" конида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини куриш (6-ГМЗ) лойиҳасига оид саноат объектларини электр энергияси билан таъминлаш	36.60	2021-2023йй.	10.58	10.58	10.58		100.0	Лойиҳанинг ТИХси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 декабрдаги №729-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3465-сон қарори асосида бош пудратчи "Узэлектроаппарат-электроцит" АЖ билан шартнома тузилган. Ишчи лойиҳа ишлаб чиқилган. Курилиш-монтаж ишлари якунланди ва объект электр таъминотига уланди. Ишчи ҳайъат далолатномаси расмийлаштирилди.
	чет эл банклари кредитлари	36.60		10.58	10.58	10.58		100.0	
7	"Чуқурқудук" кони захираларини қазиб олиш	188.64	2022-2025йй.	36.05	19.36	32.20	12.84	166.3	Лойиҳанинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 августдаги №481-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК. Курилиш ҳолати: Кон техникалари харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	188.64		36.05	19.36	32.20	12.84	166.3	
8	Нурота худудида ва «Пистали» конида ташқи электр энергиясининг тармоқ иншоотларини куриш ва реконструкция қилиш	25.40	2022-2023йй.	25.40	25.40	25.40		100.0	Курилиш-монтаж ишлари якунланди ва объект электр таъминотига уланди.
	чет эл банклари кредитлари	25.40		25.40	25.40	25.40		100.0	

№	Лойиха ташаббускорлари ва лойиха номи	Лойиханинг умумий киймати	Амалга ошириш муддати	2023 йил ўзлаштириш прогнози	2023 йил январь-сентябрь ўзлаштириш				Лойиха ҳолати
					прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
	Модернизация ва реконструкция	854.25		186.98	93.70	125.18	31.48	133.6	
9	Амударё-Зарафшон сув қувурининг 3-линиясини қуриш ва насос станцияларини реконструкция қилиш	127.50	2018-2024йй.	10.00	7.66	8.20	0.54	107.0	Лойиханинг ТИҲси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июндаги №472-16-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗҚБ. Қурилиш ҳолати: Лойиха бўйича Ø1220 мм бўлган 157,3 км сув қувури ётқизиш қўзда тутилган. Лойиха бошидан 2-НС ва КП-21 оралиғи 11700 п/м, 3-НС ва 4-НС оралиғи 15800 п/м, КП-51 ва 6-НС оралиғи 10800 п/м, КП-11 ва КП-12 оралиғи 10300 п/м, КП-21 ва КП-22 оралиғи 12500 п/м, КП-13 ва КП-14 оралиғи 9500 п/м, КП-22 ва КП-23 оралиғи 12600 п/м, КП-14 ва 2-НС оралиғи 10000 п/м, 4-НС ва КП-41 оралиғи 10000 п/м, КП-42 ва КП-43 оралиғи 10000 п/м бўлган қисмларининг қурилиш монтаж ишлари якунланиб 113200 п/м қисми фойдаланишга топширилган. КП-12 ва КП-13 оралиғи 10000 п/мдан 8000 п/м қисмида қувурлар ўрнатилган ва қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Ҳозирда 15А КП биноси қурилиши ва 2 дона Ду1000 мм зулфинлар монтаж ишлари бажарилган, объектда ишлар тўлиқ якунланиб фойдаланишга топширилмоқда. 1-сонли НСнинг реконструкция ишлари якунланиб, объект фойдаланишга топширилди. 4-сонли НСнинг реконструкция ишларида кўшимча бино темир-бетон фундаментлари, девор ва том қисми колонна ва балкалари монтаж хамда "Сендвич" панелли қопламалар монтажи ишлари амалга оширилган бўлиб, ҳозирда темир-бетон латоклар ва бино ички монолит бетон қуйма (стяжка)лари монтажи якунланди. КП43 ва КП44 оралиғида 5300 метр Ду 1220 мм қувурлар пайвандлаш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, ҳозирда қувурлар улама-чоклари изоляцияси амалга оширилмоқда. Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	127.50		10.00	7.66	8.20	0.54	107.0	
10	"Турбай" конларини ўзлаштириш учун казиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш	132.43	2021-2023йй.	77.18	50.46	55.90	5.44	110.8	Лойиханинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 июндаги №384-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК. Қурилиш ҳолати: Бугунги кунда Турбай карьеридида конни очиш ва маъдан казиб олиш ишлари олиб борилмоқда. Саноат майдонида 3 та ётоқхона биноси метал қаркаслари, девор ва том "сендвич" панелли қопламалари монтаж ишлари якунланган. 1- ва 2-ётоқхона ва ошхона қурилиши якунланиб мебель ва жиҳозлар ўрнатилди. 3 – ётоқхона биноларида пардозлаш ишлари бажарилмоқда. 2-кўтарилиш насос станциясидан ишлаб чиқариш майдонига техника ва ичимлик суви учун қувурларнинг монтаж ишлари якунланиб, изоляциялаш ишлари олиб борилмоқда. 1 дона контейнер типидидаги автомобилларга ёқилги қуйиш станцияси қурилиш ишлари якунланиб, объект фойдаланишга топшириш арафасида. 2-кўтарилиш насос станциясида қурилиш монтаж ишлари бошланган бўлиб, ҳозирда ер ишлари ва усқуналар ости бетон ишлари амалга оширилмоқда. Рудник ишлаб-чиқариш майдонига техника ва ичимлик суви учун қувурлар пайвандлаш-монтаж ишлари бажарилиб, ҳозирда қувурларни изоляциялаш ишлари амалга оширилмоқда. Барханли карьерига бўлган 6,5 км автомобил йўли қурилиши ишлари якунланди. 45,3 км узунликдаги "Турбай - ГМЗ-3" темир йўли қурилиш ишлари амалга оширилди. 2 дона сигими 500 м3дан иборат бўлган технологик сув захира ҳавзалари ва 1 дона сигими 100 м3дан иборат бўлган ичимлик сув ҳавзалари қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. ГПП-3дан "Подземный водозабор" гача ВЛ-35 тармоқлари қурилиш монтаж ишлари якунланди. "Турбай" карьеридида саноат майдонида ишчи ходимларга қулай шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида лойихага асосан енгил конструкцияли 18 дона металл контейнердан ташкил топган "маиший бино" жамланмаси ўрнатилиб ҳозирда коммуникация тармоқларига улаш ва ички жиҳозларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда ГПП-4 "Қукпата" ПСдан ГПП-3 ПСгача 35 кВлик ХЛ қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ишлаб чиқилган лойиха асосида 7 дона таянчнинг демонтаж ва монтаж ишлари амалга оширилди. "Турбай" саноат майдонида ободонлаштириш ва йўлакларнинг қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 2-кўтариш насос станцияси қурилиш-монтаж ишлари ва саноат майдонидидаги ётоқxonанинг 3-бўлимасининг қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. "Турбай" саноат майдонидан "Турбай" карьерига қадар технологик сув қувурларининг монтаж ишлари олиб борилмоқда. 2-кўтариш насос станциясига қадар монтаж қилинган сув қувурларининг хандак казиш ишлари олиб борилмоқда. ГПП-3 нинг қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Саноат майдони ҳудудида ташқи ёритиш ишлари амалга оширилмоқда. Кон техникалари харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Барча ишлар тасдиқланган тармоқ жадвали асосида олиб борилмоқда.
	чет эл банклари кредитлари	132.43		77.18	50.46	55.90	5.44	110.8	

№	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати	Амалга ошириш муддати	2023 йил ўзлаштириш прогнози	2023 йил январь-сентябрь ўзлаштириш				Лойиҳа ҳолати
					прогноз	кутилиши	(+/-)	%	
11	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жихозлаш	347.30	2020-2025йй.	71.80	28.58	54.08	25.50	189.2	Ишчи лойиҳалар ишлаб чиқилган ва давлат экспертизасининг ижобий хулосаларига эга. Ушбу лойиҳада амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини меъёردа сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш қувватларини технологик қайта жихозлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. Ускуна ва жихозлар олиб келинмоқда. Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.
	чет эл банклари кредитлари	347.30		71.80	28.58	54.08	25.50	189.2	
12	Ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб қолиш	247.02	2023-2026йй.	28.00	7.00	7.00		100.0	Лойиҳа ТИХК белгиланган тартибда "Марказий лойиҳалаш бюроси" томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, "Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКдан ижобий экспертиза хулосаси олинган. Лойиҳанинг ТИХК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 августдаги №408/10-сонли қарори билан тасдиқланган. Мазкур инвестиция лойиҳасини амалга оширилишининг мақсади ва вазифалари "НКМК" АЖнинг эскирган технологик ускуналар, тоғ-қон компрессорлар ва қурилиш механизмларини босқичма-босқич замонавий технологик талабларга жавоб берадиган ва энергия тежамкор механизм ва техникаларга алмаштириш.
	чет эл банклари кредитлари	247.02		28.00	7.00	7.00		100.0	

Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи



М.Д. Алқаров